

**МАҲМУДОВ Алишер Йўлдошев**  
Қарши давлат университети  
филология фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD)  
alischer-2473@mail.ru

## ОЛМОН АДАБИЁТИДА ИСЛОМ ГОЯЛАРИНИНГ ЁРИТИЛИШИ

### ОСВЕЩЕНИЕ ИСЛАМСКИХ ИДЕЙ В НЕМЕЦКОЙ ЛИТЕРАТУРЕ

#### COVERAGE OF ISLAMIC IDEAS IN GERMAN LITERATURE

**Аннотация:** Мақолада олмон адабиётида ислом тамаддуни, инсонпарварлик ва диний бағрикенглик (толерантлик) гоялари баён этилган ҳамда унинг тарихий манбаларини қиёсий тадқиқ қилинган. Олмон адабиётида инсонпарварлик ва толерантлик гоялари халқлар ўртасидаги меҳр-муҳаббат, ҳурмат-эътибор ва хайр-саховат каби эзгуликларни ёритгани алоҳида эътироф этилган. Муаллиф томонидан тарихий манбалар орқали Шарқдаги маънавий-ахлоқий категориялар, миллатлар маданияти тарихи, ислом цивилизацияси ва исломий таълимот моҳияти, толерантлик, шарқона ривоятларга қизиқиш, инсон ижтимоий қиёфасининг ўзига хос хусусиятлари таснифланган. Шу билан бирга олмон маърифатпарварлари дунёда динлараро ва маданиятлараро бағрикенглик, инсонпарварлик гояларини кенгроқ тарғиб этишга қўшган ҳиссаси мақолада илмий асосланади.

**Калит сўзлар:** ислом тамаддуни, таълимот, эътиқод, фалсафий-ахлоқий мерос, диний бағрикенглик, инсонпарварлик, маърифатпарварлик, яҳудий, насроний ва мусулмонлар

**Аннотация:** В статье рассматриваются идеи исламской цивилизации, гуманизма и религиозной толерантности в немецкой литературе и проводится сравнительное исследование их исторических источников. В немецкой литературе идеи гуманизма и толерантности особенно признаны за то, что освещают такие добродетели, как любовь, уважение и щедрость между народами. На основе исторических источников автор классифицирует духовно-нравственные категории Востока, исто-

рию культуры народов, сущность исламской цивилизации и исламского учения, толерантность, интерес к восточным традициям, особенности социального образа человека. В то же время в статье научно обоснован вклад немецких просветителей в более широкое продвижение межрелигиозной и межкультурной толерантности и гуманизма в мире.

**Ключевые слова:** исламская цивилизация, доктрина, вера, философское и нравственное наследие, религиозная терпимость, гуманизм, просвещение, иудаизм, христианство и мусульмане.

**Resume:** The article examines the ideas of Islamic civilization, humanism and religious tolerance in German literature and conducts a comparative study of their historical sources. In German literature, the ideas of humanity and tolerance are especially recognized for illuminating virtues such as love, respect and generosity among peoples. On the basis of historical sources, the author classifies the spiritual and moral categories of the East, the history of the culture of peoples, the essence of Islamic civilization and Islamic teachings, tolerance, interest in eastern traditions, features of the social image of a person. At the same time, the article scientifically substantiates the contribution of German educators to the broader promotion of interreligious and intercultural tolerance and humanism in the world.

**Key words:** Islamic civilization, doctrine, faith, philosophical and moral heritage, religious tolerance, humanism, enlightenment, Judaism, Christianity and Muslims.

#### КИРИШ

Тадқиқотлар Шарқ-Ғарб айниқса, ислом-насронийлик муносабатларига оид хорижий тилдаги адабиётларга эътибор қаратган. Ғарбшунослар ўз тушунчаларига мос асарларни тадқиқ қилишни афзал кўришарди. Улар исломни, балки исломгача бўлган маданиятларни ҳолисона ўрганган ва ижобий баҳолаган ёзувчи-муаллифларни қадрига этишган. Мустамлакачилик даврида мусулмонлар фитна тарқатиш мақсадида ўзлари ҳақидаги асл ҳақиқатни би-лишни ва етказишни хоҳлашган.

Аслини олганда диний бағрикенглик ғояси узоқ тарихни ўз ичига олган бўлиб, бу мавзуга Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Шарқнинг фалсафий-ахлоқий меросида энг аввало инсонпарварлик тараннум

этилади. Диний бағрикенглик тушунчаси турли миллатларда турлича талқин этилган. ›al-Hanii-fat as-samhaa‹ oder ›asch-Schari‘at al-islamijjat assamhaa

Ислом динидаги “ат-Тасамух” деб аталадиган “толерантлик” исломда юқори мавқега эга ва ислом дунёсида кеча ва бугун кенг тарқалган бўлиб, бажарилиши шарт бўлган талаблардан биридир. “Ал-Ханиифат ас-самҳаа” ёки “аш-Шарийат ал-ислаамижжат ас-самҳаа” [1:5] атамалари Исломни бағрикенглик, сахийлик, миллатлараро тотувлик, ўзаро ҳамжиҳатлик, саховатпешалик, эркинлик дини сифатида тавсифлайди. Кенг маънода, бу атамалар “исломий диний бағрикенглик қонуни” ҳам деб юритилади. Унга кўра, ислом бағрикенглик, эркинлик, сахийлик, хайрихоҳлик, кечиримли, раҳм-шафқатли ва сахий дин. Толерантлик (диний бағрикенглик): Айтинг: “Осмонлар ва Ердаги бор нарса кимники?” Айтинг: “Аллоҳники” (У) Ўзига раҳматни (бор мавжудотга раҳм-шафқат қилишни) ёзди (ваъда қилди). Сизларни, албатта, Қиёмат кунига жам қилажак. Бунда шак йўқдир. Ўзларига (нисбатан) зиёнкор бўлганлар (бунга) имон келтирмайдилар. Худо уларга раҳм-шафқат қилади, одамлар раҳм қиладилар. [2:6 сура 12 оят]

Исломнинг асосий манбаи бўлган Қуръондан икки оят, шарқона бағрикенглик тушунчасининг мазмуни сифатида кўрсатилади. Макка даврига тайинланиши мумкин, «Динда зўрлаш йўқ, зеро, тўғри йўл янглиш йўлдан ажрим бўлди» [2:6 сура 256 оят] ояти тугатиш босқичига тегишли. Милоддан аввалги 622-632 йиллардаги Мадинадаги илоҳий хабар, хусусан, иккинчи оят мусулмонларнинг умуминсоний бағрикенглигидан далолат беради. Толерантликнинг ўрнини Қуръонда кўрсатиш учун Худонинг Каломидан бошқа кўплаб тегишли оятларни келтириш мумкин. Уларнинг келиб чиқиш вақти тахминан 23 йил ичида илоҳий ваҳийнинг барча босқичларини қамраб олади.

### АСОСИЙ ҚИСМ

Толерантлик ва ислом дини анъаналарининг турли соҳаларга таъсирини, жумладан,

XVIII–XIX асрларда Ғарбий Европа адабиётидаги асарларда кўриш мумкин.

Бироқ, ислом дини кенгайганидан бери, унга европалик саёҳатчиларнинг деярли ҳеч бири ислом динига эътиқод қилмасди. XVII аср ўрталарида араблар томонидан босиб олинган мамлакат аллақачон XVI аср бошларида Усмонли империяси ҳукмронлигига қўшилган эди. Ўшандан бери талайгина европаликлар Мисрга ташриф буюришарди. Аммо Европада Шарққа бўлган иштиёқ XVIII асрдан олдин пайдо бўлган. XVIII аср бошларида Антуан Галланднинг «Араб кечалари» ҳикояларини таржимасини бошланиши деб ҳисоблаш мумкин. Аммо бу муваффақиятсиз Миср саргузаштидан кейин Франция, Англия ва бошқа Европа мамлакатларига етиб келган антиқа буюмлар ва ёзма манбаларни қайта жонланиши керак эди.

Германияда диний бағрикенглик тушунчасини аввало маърифатпарварлар (Кант, Фихте, Шеллинг, Виеланд, Форстер, Хердер, Гёте, Шиллер, Ҳайне кабилар) фалсафасида топиш мумкин. [3:24]

Бундан ташқари, ислом дини ва шарқ маданияти устида олиб борган тадқиқотларида шарқшунос олимлар – Е.Энгел ва Риттерхофф, Голиус, Салье, Оклей, Бартоломе де Эрбелонинг диний асарлари ва Вольтер, Карданус ва Ремаруснинг тарихий асарларини чуқур ўрганиб, таҳлил қилиш билан шуғулланди. У “Қуръон”нинг Салье таржимасини араблар ва Муҳаммад пайғамбар тарихи, Вольтер ва Мариннинг Шарққа оид тарихий асарлари, араб шоирлари шеърияти, қадимги мисрликларнинг мўмиёлаш ҳақидаги асарлари ва Арабистондаги бутпарастлар тарихини ҳам чуқур ўрганган эди.

Ислом ҳақидаги ҳозирги баҳс-мунозарада танқидчилар маърифат ютуқларига менгазишади. Ўша пайтда, умумий баҳс-мунозарага кўра, ислом оламида мисли кўрилмаган диний бағрикенглик ва инсонпарварлик ақидаларига танқидий муносабат билдириш учраб тутарди. Бироқ, маърифатпарварлик даврида немис шарқшуносларининг ислом динига ва шарқона анъаналарга бўлган муносабатлари кенг жамоатчилик ўртасида ҳали ҳам билим этишмасди. Бу маънавий бўшлиқни яъни ислом оламига

бўлган нуқтаи назарни шакллантирувчи ному-таносибликни бартараф этишга, асосан, 250 йил олдин немис маърифатчилари мўътадил муваффақият билан курашган Европа-Христиан мудофаа позицияси ёрдам берган.

Диний бағрикенглик, инсонпарварлик, шарқона талқинлар немис адабиётининг XVII–XIX асрларда ижод қилган кўпгина адибларнинг асарлари мазмунини ташкил қилиши тўғрисида контекстни ҳар бир миллат ва элат ҳамжиҳатлигини назарда тутиб бадиий ифодалашга ҳаракат қилган. [4:74]

Ислом маданияти, тили ва адабиёти ислохот шароитида “Инжил матни ва ундаги шарқона мотив”га эътибор қаратган ва шу билан бир қаторда араб тилини ўрганишнинг аҳамияти тушунтириб борилди. Г.Э.Лессингнинг Шарқ воқелигига оид асарларини таҳрир қилган шарқшунос олим Эдвард Поккок (1604-1691) нинг унча машҳур бўлмаган “Исломгача бўлган даврда Арабистон тарихи ва ислом динининг догматик илоҳиёти” асари нашр қилинган.

Лейпциглик шарқшунос ва Лессингнинг яқин дўсти Ж.Якоб Райске ўзининг “Ислом маданияти тарихи ва муҳаммад пайғамбарни улуғлаш” мавзусидаги нутқида Арабшунослик бўйича кўпгина филологик манбалар ҳақида маълумотлар берди. У “Абул-Фида йилномалари” номли асарни латин тилига таржима қилиб биринчи жилдини нашр қилдирди. Ислом маданияти тарихи ўз даврида парадигма сифатида умуминсоний тарихдан олдинда эди. Шундай қилиб, илм-фан тарихи уни (Райскени – А.М.) “Араблар адабиёти шаҳиди” сифатида хотирлайди.

Диний бағрикенглик Вольтер томонидан анча мақтовга олинади. У маърифатпарварликда мусулмонлар ҳукумати бошқарувини толерантлик намунаси сифатида таърифлайди. Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, “Салоҳиддин сиймосининг Вольтер томонидан ифодаланиши диний бағрикенглик, жасорат тимсоли ва бошқа дин вакиллариغا нисбатан раҳмдиллигидан далолат беради. Вольтер барча мақтовларни ҳукмдор Салоҳиддин сиймосига қаратган. Шу билан бирга у ҳукмдор, файласуф ҳам эди. Бу мақтовларни Вольтерда насронийларга қарата

танкидий қараш сифатида ҳам кўриш мумкин эди.[5:19] Бунга қўшимча тарзда Вольтер томонидан Ислом маданиятига қарши берилган қарашларни Кушелнинг қуйидаги хулосаларини келтириш мумкин:

“Вольтер англаб бўладиган долзарб қизиқишларни ва ўтмишдаги мусулмонлар ҳукумати бошқарувини маърифатпарвар ва бағрикенг инсон сифатида ифодалайди. Ҳақиқатдан ҳам Вольтер истеъдодли маърифатпарвар сифатида султон Салоҳиддинга катта ҳурмат билан қарайди: ҳам ҳукмдор, ҳам оддий шахс, ҳам файласуф! Бу ерда Вольтернинг умумий асослари ислом маданиятини эътиборга олиб алоҳида таасуротлар билан бойитилган тарзда ифодаланган. У “Муҳаммад” эссесига барча динлар олдида ислом динини обрўсизлантирган ва бадном қилган. У эсседа ярамас насронийларни мусулмонларга нисбатан анча ҳимоя қилади. Муҳаммад ва ислом маданияти муносабатларига келсак, Вольтерда Исо ва насронийлик дини муносабатларига кўпроқ эътибор қаратилган. Вольтер учун насронийликдан кўра кўпинча Исо азиз ва қадрлироқдир.” [6:88]

Шундай қилиб Вольтер мусулмонларни ўша замон насронийларига қарши ифодалаган. Учинчи салиб юриши даврида султон Салоҳиддиннинг адолатпарвар ва инсонпарварлигини насронийларга қарши кўрсатиш учун Вольтер султон Салоҳиддиннинг дунёда тенги йўқ жасоратига урғу беради. Вольтер бошқа дин ва маҳзаб вакиллариغا қарши султон Салоҳиддиннинг адолатпарварлигига катта ҳурмат билан қарайди ва уни юқори баҳолайди.

Ислом дини ва маданияти ижобий томонларини Лессинг ўзининг “Rettung des Hieronymus Cardanus” асари ва “Донишманд Натан” драмасида ифодалаб берди. “Ислом дини ва маданияти XVIII асрда толерантлик мавзусидаги баҳс-мунозарада асосий роль ўйнади”- дейди Силвия Хорш. [7:3]

Немис адабиётининг буюк мутафаккири Йоханн Вольфганг Гёте ислом дини ва шарқ маданиятини яхши билгани учун Шарқ Гёте учун янги уйғониш жойи эди. Шундай қилиб, шарқона ўзгаришлар ҳақидаги тадқиқотлар унинг ҳаёти давомидаги баҳс-мунозаранинг

натижаси ва меваси деб ўйлаш ҳақиқатга яқиндир. Гёте Шарк билан муносабатлари шу қадар мустаҳкам эдики, у узоқ мақсадни кўзлаб Шарққа саёҳатини бошлади. Охир-окибат, Гёте ўзига хос тадқиқот режаларининг натижаларини шарқона мотивлардан топди.

Й.В.Гёте ҳақида фикр юритилар экан, аслида шоирнинг ислом динига муносабати маърифатпарварлик ғоялари билан шаклланганлигини эътироф этиш керак. Муҳаммад ва ислом динига нисбатан Гёте кўпроқ ўз шахсияти нуктаи назарида турди. Шунинг натижасида ислом ҳақида у билдирган фикрлар ўзигача Олмонияда мавжуд бўлган барча ғайриодатий, тор фикр ва қарашлардан ўзиб кетди. Исломга нисбатан ижобий муносабатини Гёте ўзининг шахсий эътиқоди ва тафаккури асосий диний таълимотлар билан мос бўлган пайтда кашф этди. Бундай ҳолат унда чуқур диний бағрикенглик, ҳайрихоҳликни уйғотди. Натижада, шоир эркин ва ошқора жасорат оҳангида диний бағрикенглик билан суғорилган улуғвор асарлар яратишга муяссар бўлди. [8:130]

Гёте араблар тарихи, шарқона воқелик, диний бағрикенглик ҳақида сўз юритиб шундай фикрни айтган: “Чамамда, зороастр (зардушт) қимматбаҳо табиатдаги эътиқодни мукамал диний эътиқодга айлантиради”. Қадимги форслар фақат оловга (оташга) сиғиниш билан чекланиб қолмаган, (зардуштий) табиатнинг барча стихияларини (қудратли кучларини) азиз, эъзозли деб билмаганлар. Шу сабабли улар сувни, ҳавони, тупроқ - заминни барча табиатни ифлослантиришни гуноҳ деб қўрқар эдилар. Бу ақида эътиқод уларга фуқаролик фазилатларини, меҳнатни, тозалликни, эҳтиёткорликни яхши кўрганлар. Шу эътиқод асосида улар дарёга ахлат ташламаган, каналлар қазиб, сув келтиришган, сувни тежаб сарфлаб, ҳозиргидан ўн баробар ҳосил ундирганлар. У (зардуштий) Қуёш кулиб боққан барча нарсаларни шу жумладан тоқ, узум новдаларини парвариш қилган. [9:153-157]

Гётенинг ислом динини қабул қилган деган фикрни қуйидаги мисра мазмунидан англашимиз мумкин:

*Аллоҳга итоатдур Ислом деган сўз асли,  
Исломда яшаб ҳамма, ўлажакмиз исломда.*  
[10:204]

Олмон шоири Хайнрих Хайненинг ислом дини, Куръони Карим ва Муҳаммад Пайғамбарга нисбатан муносабати гўёки, унинг иудаизм ва насронийликка бўлган муносабатига ўхшайди. У ижобий ва салбий ўртасида ўзгаради, баъзида чексиз танқидни билдиради. Айрим жойларда сатирик изоҳлар ва қийин иборалар билан ўз фикрларини баён этган. Унинг динда ёқтирмайдиган нарсаси - бу ўзини сиёсий диктатуранинг хизматида устун қўядиган ва тараққиётга тўсқинлик қиладиган руҳонийлар эди. Унинг динда кизиқтирадиган нарсаси – инсонпарварлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик тамойиллари эди. Унинг диққат марказида турган нарса – ислом дини ва Шарк маданияти эди. Хайнрих Хайненинг Шарқ-Ғарб муносабатларининг долзарб муаммолари билан бандлиги унинг журналистик фаолиятига тўғри келади.

Хайнрих Хайне 1935 йил 23 ноябрдаги Хайнрих Лаубга ёзган мактубида ўз динига бўлган муносабатини очиб беради: “Ахлоқ - бу фақат анаъанавий ўтмишдаги дин, лекин агар ўтмишдаги дин эскирган бўлса, ахлоқ ҳам ўз поёнига етган бўлади. Биз ҳақиқий динни хоҳлаймиз, шунда ахлоқ янада соғлом бўлади. Улар фақат эътиқодсизлик ва эскирган иккиюзламачиликка асосланган бўлса ҳам, ҳозиргидан кўра яхшироқ ҳисобланади. Балки бу изоҳларсиз, мен нима учун доим ўзимни протестант ҳокимиятига аралашиб қолганимни, мен яҳудий-исломий-насроний деизмнинг туғилган антагонисти сифатида тушунган бўлардингиз. [11:125] Учта деист жаҳон динларининг рақиб сифатида Хайне ўз танқидини ахлоқий бузилишга олиб келадиган динларнинг уйдирма амалиётига қаратади. Хайне миллатлараро тинчлик-тотувликни ўрнатиш мақсадида диний бағрикенглик тамойилини илгари сурган эди.

**Хулоса ўрнида** XVIII-XIX асрлар олмон адабиётида Г.Э.Лессинг, Й.В.Гёте ва Ҳ.Хайне ижоди маданий ва диний мулоқот масалалари ҳамда диний бағрикенглик масалалари билан шуғулланадиган кўпчилик учун намунага ай-

ланди. Ҳатто илмий тадқиқот ишларида ҳам яҳудий, насроний ва ислом дини тарихи ва таълимотини чуқур таҳлил қилишда Лессинг, Гёте ва Ҳайне асрларига мурожат қилинади. Ҳар учала адибнинг ислом тамаддунига нисбатан ижобий қарашлари ва билим даражасининг кенглиги унинг сермушоҳада инсон бўлганидан дарак беради. Олмон адабиёти вакиллари-нинг ислом тамаддуни хусусида шаклланган қарашлари кейинчалик жаҳон адабиётшунослиги фанида ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди. Уларнинг диний бағрикенглик борасидаги қарашлари, ёзган асарлари ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Жумладан, Г.Э.Лессингнинг “Донишманд Натан” драмаси, “Эмилия Галотти” трагедияси, Й.В.Гётенинг «Ғарбу Шарқ девони», Ҳ.Ҳайне-нинг “Алмансур” трагедияси биз учун мерос қилиб қолдирилган инсонпарварлик ғоялари ва диний бағрикенглик тамойиллари билан йўғрилган буюк асарлар ҳисобланади. Асарлар мазмунан ва моҳиятан дунё халқларини, миллатлар тилини, дилларини бирлаштиришга хизмат қилади. Ғарб ва Шарқ ўртасида дўстона адабий алоқаларга имконият эшигини очиб беради. Уларнинг динлараро бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик тушунчаларини, ҳар бир элат тинч-тотувликда яшаш, маърифат, эътиқод, ақл-идрок ва адолат билан иш кўриш ғояларини бутун дунё ёшлари онгига сингдиришимиз ва бугунги мафкуравий кураш тобора кескинлашиб бораётган бир вақтда ёвуз таъсир кучлардан ҳимоя қилиш учун ҳам омил сифатида фойдаланамиз.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Адаб ал-Қаида, I жилд. Боғдод 1971.
2. Qur‘oni Karim. Alouddin Mansur tarjimasi. 2007.
3. Thielking, Sigrid. Weltbürgertum. Kosmopolitische Ideen in Literatur und politischer Publizistik seit dem achtzehnten Jahrhundert. München: Fink 2000.
4. Eva J. Engel u. Claus Ritterhoff (Hg.): *Neues zur Lessing-Forschung*, Ingrid Strohschneider-Kohrs Ehren am 26. August 1997. Tübingen 1998.
5. Endres, Gerhard: Einführung in die islamische Geschichte. München 1982.

6. Kuschel, Karl- Josef: Vom Streit zum Wettstreit der Religionen. Lessing und die Herausforderung des Islam. Düsseldorf 1998.

7. Horsch, Silvia: Rationalität und Toleranz. Lessings Auseinandersetzung mit dem Islam. Würzburg 2004.

8. Моммсен К. Гёте ва ислом. // М.Умархўжаев ва И.Жабборов таржимаси. “Жаҳон адабиёти” журна-нали. 2012 йил.№1.

9. Гёте И.В. Западно-восточный диван. – М.: Наука, 1988.

10. Гёте Й.В. Заковат дурдоналари. –Т.: “Янги аср авлоди”, 2011.

11. Heinrich Heine: XXI. Werke, Briefwechsel, Lebenszeugnisse. Säkularausgabe. Centre National de la Recherche Scientifique in Paris. Berlin und Paris 1970.